



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2012 йил 9 август, № 156 (5576)

Пайшанба

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Мамлакатимизда:

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар

Бухоро

Алюминий профилдан эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқариш билан фаолият бошлаган Фанишер Нуриддинов эндиликда нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашни ҳам йўлга қўйди.

Кредит самараси

Унинг ушбу лойиҳаси банкнинг 262 миллион сўмлик кредити билан қўллаб-қувватланди. Пешку тумани марказида жойлашган мазкур “Янгибозор ширин нон” масъулияти чекланган жамиятида кунига ярим тоннагача маҳсулот тайёрланади, аҳоли дастурхонига тортиқ қилинапти.

Туманда жорий йилнинг ўтган даврида худди шу каби 50 дан зиёд кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, 200 дан ортқ қўшимча иш ўринлари яратилди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Навоий

Кармана туманида “Фани Али боғи” фермер хўжалиги томонидан мевани қайта ишлаш цехи ташкил этилди.

Фермернинг корхонаси

Хўжаликнинг 6 гектарлик олмазорини ёнида барпо этилган кичик корхона мавсум давомида 150 тоннадан ортқ мевани қайта ишлаш қувватига эга. Фермер жорий йилда қўшимча 3 гектар майдонда интенсив боғ ҳам яратди. Олма, нок, шафтоли каби сархил мевалар октябрь ойида ҳосил беради.

— Хитойдан келтирилган ускуналаримиз компьютер ёрдамида бошқарилади, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Фани Навимов. — Улар орқали тўрт турдаги мева шарбати тайёрланади. Ҳадемай, қадоклаш линияси ҳам ишга туширилади.

Эътиборлиси, туманда жорий йилнинг олти ойида 86 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. Ушбу соҳага тижорат банклари томонидан 21,2 миллиард сўм миқдоридан кредит маблағлари йўналтирилди.

А. ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сурхондарё

Сариосиё туманидаги “Шоҳида Шамсиддин” хусусий корхонасида шағал саралашга мулкдорларнинг линия ишга туширилди.

Янги лойиҳа меваси

Мазкур лойиҳа банкнинг 310 миллион сўмлик кредити ҳамда тадбиркорнинг 110 миллион сўмлик маблағи эвазига молиялаштирилди. Эътиборлиси, ишга жалб қилинганларнинг барчаси касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир.

Бугунги кунда илгор технологиялар асосида тайёрланаётган қурилиш ашёлари пешмапеш буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

Туманда 2012 йилнинг биринчи ярмида лойиҳа қиймати 13 миллиард 977 миллион сўмлик озиқ-овқат, ноозиқ-овқат, хизмат кўрсатиш ҳамда қурилиш материаллари ва мебель ишлаб чиқариш йўналишида 20 дан зиёд лойиҳалар амалга оширилди.

Н. ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Дунё нигоҳи

Аввал хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида дунёнинг турли мамлакатлари ижтимоий-сиёсий, ишбилармон ва академик доиралари вакиллари Ўзбекистонда истиқлол йилларида қўлга киритилган муваффақиятлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашмоқдалар.

Кулбхушан Варику:

«Кенг кўламли янгиликлар аҳоли фаровонлигига хизмат қилмоқда»

Хусусан, Жаҳоҳарлаъл Неру номидаги университет хузуридаги Халқаро тадқиқотлар марказининг Марказий Осиё мамлакатларини ўрганиш дастури раҳбари Кулбхушан Варику “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида юртимизда мустақиллик йилларида тараққиётнинг “Ўзбек модели” асосида ҳаётга татбиқ қилинаётган кенг кўламли ислохотларни юксак баҳолади. Унинг таъкидлашича, мазкур исло-

хотлар пировардида аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ҳиндистонлик эксперт Ўзбекистон ҳукумати жаҳон бозорига юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни етаказиб бериш мақсадида маҳаллий хом ашёнинг юртимиз корхоналари томонидан қайта ишланишига имкон яратди дегани билан қувватларини бунёд қилишга устувор аҳамият қаратаётганини кайд этди.

Энгил саноат, сайёҳлик, автомобилсозлик, транспорт коммуникацияси, дори-дармон саноати ва юқори салоҳиятга эга бўлган бошқа қатор соҳалар Ўзбекистон иқтисодий ётнинг устувори йўналишлари сифатида белгилаб олингани ҳам ҳинд мутахассиси томонидан алоҳида эътироф этилди.

— Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон денгизга бевоқиф чикиш йўлига эга эмаслигига қарамай, ўзининг қулай юғрофий жойлашувидан самарали фойдаланмоқда, замонавий автомобиль йўллари

қуриш ҳамда келажақда мамлакатининг жадал иқтисодий тараққиёти асосига айланадиган эркин иқтисодий ҳудудларни барпо қилиш орқали транспорт-коммуникация инфратузилмасини тез суръатларда ривожлантирмоқда, — деди у.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиш масалаларига тўхталар экан, К. Варику юртимиз мустақиллигининг 21 йиллик байрамини ҳар икки мамлакат стратегик шериклар сифатида қарши олаётганлигини таъкидлади.

Унинг айтишича, стратегик шериклик икки томонлама муносабатлар тараққиётининг чўққиси ва давлатларимиз ўртасида мавжуд бўлган ўзаро мустақам ишончининг тасдиғидир.

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 21 йиллиги байрами арафасида Кулбхушан Варику дўст Ўзбекистон халқига тинчлик, осойишталик, тараққиёт ва фаровонлик тилади.

«Жаҳон» АА.
Декли

Бугуннинг гапи

Жорий йил пахтачилик учун жуда қулай келди. Кўклам об-ҳавосининг нисбатан илқ бўлиши туфайли экин-тикин ишларига барвақт киришилди. Барча агротехника тадбирлари ўз вақтида бажарилиб, уруғ беҳато ундириб олинди. Энг муҳими, аввалги йилларда бўлганидек, майдонларни бузиб, қайта экиш ҳолати деярли кузатилмади. Пировардида экин ривожининг баравж бўлиши таъминланди.

Август ойи — ҳосилни сақлаш ва кўпайтириш палласи

Ҳўзаларнинг бугунги ҳолати эса кўнглидагидек. Сув мўл бўлгани, гармсел шомоллари деярли кузатилмагани натижасида меъёрдаги фойдали иссиқликни олган ниҳоллар кун сайин, таъбир жоиз бўлса, соат сайин ўсмоқда: шоналар гулларга, гуллар қўсақларга айланмоқда. Айни пайтда республикамиз далаларида ҳар туп гўзада ўртача 5-6 та, айрим илгор фермер хўжаликлари пайкалларида эса 7-8 тадан ҳам кўп бўлиқ қўсақ мавжуд. Табиийки, бунда ҳукуматимиз томонидан фермерларга муносиб иш шариоити яратилгани, инфратузилма тизими жадал ривожлантирилиб, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар ва бошқа моддий воситалар ўз вақтида дала бошигача олиб бориб берилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Пахтачилик деҳқончиликнинг энг мураккаб ва нозик соҳаси бўлиб, нафақат чуқур билм ҳамда катта тажрибани, авваломбор, фидокорона ва машаққатли меҳнати талаб қилишни тажрибали фермерларимиз яхши билишади. Бу ишга ўзини бағишлаган, ўз касбининг устаси ва фидойи инсонларгина баракали хирмон ярата оладилар. Бунда, айниқса, август ойида бажариладиган юмушларнинг аҳамияти беқиёс. Сабаби, гўза парваршидаги муҳим агротехника тадбирларининг аксарияти шу пайтга тўғри келади. Ҳосил чўғи салмоқли, сифатли ва эртаги бўлишини истаган қишлоқ меҳнатқашлари, фермерлар борки, ушбу талабларга изчил амал қилиш пайидан бўлади. Зеро,



«Август ойи — ҳосилни сақлаш ва кўпайтириш палласи» ҳисобланади.

Чиндан ҳам, бугунги кунга қадар тўпланган ҳосил чўғи хотиржамликка асос бўла олмайди. Мўлжалдаги “оқ олтин” хирмонининг яратилиши эса, шубҳасиз, ҳақиқий ҳосил тақдирини халқ бўладиган август ойида агротехника тадбирлари нечоғлиқ бажарилишига боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу пайтда қилинган меҳнат туфайли гўза ривожини тезлашиб, қўсаққа қўсақ қўшилиди. Бўлиқ қўсақлар эса ой охирида лўппи-лўппи пахта бўлиб очилади. Мабо-до, бирор бир тадбир кечиктириб юборилса ёки бажарилмаса, ҳосил тугунчалари тўқилиб, ҳосилнинг бир қисми бой берилиши туган гап. Демак, бу ойда барчанингни ўрни далада бўлиши, хусусан, сувчи, механизатор, энтомолог фермернинг энг яқин кўмакчисига айланиши даркор.

(Давоми 2-бетда).

Эътироф

Мамлакатингиз танлаган йўл — келажақ нуқтани назаридан ҳам энг тўғри стратегиядир



Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасига, шу жумладан, она ва бола саломатлигини муҳофаза этишига улкан эътибор қаратилаётгани, ушбу соҳа бош устувор йўналиш этиб белгилангани нафақат бугунги кун, балки келажақ нуқтани назаридан ҳам энг тўғри стратегиядир.

Маргарет ЧЕН,
Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори.

Оилавий бизнес: Файзу барака манбаи

Оила — жамиятнинг муҳим бўғини. Шу боис мамлакатимизда оилалар мустақамлигини таъминлаш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш доимо диққат-эътиборда. “Мустақам оила йили” Давлат дастури доирасида жорий йилнинг ўтган олти ойида оилаларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш учун барча манбалар ҳисобидан 1,1 триллион сўмга яқин маблағ йўналтирилгани бунинг яққол тасдиғидир.

2012 йил — Мустақам оила йили

Биламизки, ишбилармонлик халқимизга хос хислат. Яъни ота-боболаримиз азалдан ўз ери, мулки, меҳнати орқали рўзгорини тебратиб, эл-юртга наф келтиришга интилган. Эътиборлиси, бу касб ҳозирги пайтда анча ривож топди. Маълумотларга кўра, айни пайтда республикамизда ҳар уч оиладан бири қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, ҳар олти оиладан бири савдо, ҳар саккиз оиладан бири эса хунармандчилик билан шуғулланмоқда.

Албатта, ҳар қандай соҳа равнақи яратилган шарт-шароит ва имкониятларга боғлиқ. Шу маънода, бугунги кунда юртимизда оилавий бизнесни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар оилалар фаровонлигини таъминлаш орқали иқтисодий дийимизни юксалтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Жиззах шаҳрида яшовчи ёш тадбиркор Ўткир Ибайдуллаев ҳам бобомерос касбини танлаб кам бўлмади. У темирчилик аъёнасини давом эттираётган тўртинчи авлод вакили. Бугун бу оилادا ҳамма хунарли, ишли. Отаси Неймат ака ва укаси Давронжон ҳар доим унинг ёнида. Шу билан бирга, “Устоз — шогирд” анъанаси асосида хунар ўрганаётган ўн нафардан ортқ ёшлар ҳам Ўткир-

да тайёрлаётган маҳсулотлар тури элликтдан ошди. Айтиш керакки, Дилоромга онаси Эргашой моми текиш-бичиш, гилам тўқиш сирларини кунт билан ўргатган. Кейинчалик эса ўзи мустақил равишда кичик-кичик буюмлар тўқишга киришди. Мана, вақт ўтиб, у тенгдошларига устозлик қилмоқда. Дарвоқе, хунарманднинг бу иши Президент соврини учун ўтказилган “Ташаббус — 2012” кўрик-танловининг вилоят босқинида “Энг яхши оилавий бизнес” йўналишида биринчи ўринга муносиб кўрилди.

(Давоми 2-бетда).

Муносабат

Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган “Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жараёнида яна бир муҳим қадамлардан бири бўлди. “Халқ сўзи” мухбири билан мулоқотда бўлган хорижий экспертлар ушбу Фармон Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишда долзарб аҳамият касб этишини кайд этмоқда.

«Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотларига алоҳида эътибор қаратилмоқда»

Юнг-Хван РИЕ,
Корея Республикаси Олий суди судьяси
Корея Республикаси Олий суди ахборот технологиялари бўйича юридик бюроси директори:

— Оммавий ахборот воситалари орқали Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, бу борада қўлга киритилган натижаларни мунтазам кузатиб бораман. Ҳақиқатан ҳам, юртингизда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришга инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг муҳим омили сифатида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда соҳага демократик тамойилларнинг изчил жорий этилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мисол учун, жиний жа-

золарнинг либераллаштирилиши, халқининг миллий кадрларини ўзида мужассам этган ярашув институтининг жорий этилиши эътирофга лойиқдир. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида мамлакатингизда инсонпарварлик тамойилларига асосланган суд тизими ўзини тобора кенгроқ намоён этмоқда. Чунончи, Президент Ислам Каримов томонидан тақдим қилинган Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштиришга қаратилган қонунийлик ташаббуслари илгари сурилганлигини таъкидлаш жоиз.

(Давоми 2-бетда).

Ифтихор

Инсон қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар, фидойи бўлса, эл-юрт орасида обрў-этибор топади, яхши ном қозонади. Бу — ҳаётий ҳақиқат. Шу билан бирга, ҳар ким қилаётган меҳнатига муносиб рағбат кўришни ҳам юрагининг бир чеккасига тугиб қўяди.

Эъзоз ва эҳтиром

Шу маънода, мен ҳам фахрлансам арзийди. Негаки, айнан мустикалиқ яратиб берган имконият, Президентимизнинг ижодкорларга кўрсатаётган бекиёс ғамхўрликлари туфайли она-юртимнинг юксак шарафга лойиқ топилган бахтли фуқароларидан бириман. Яъни камтарона хизматларим эвазига "Ўзбекистон халқ рассоми" деган унвонга сазовор бўлдим. Дунёнинг бир қатор мамлакатларида бўлиб, ижодкору рассомлар ҳаётини яқиндан кўрган киши сифатида англа-

димки, ҳеч бир мамлакатда ижод аҳли бу қадар қадрланмади. Бизда эса ишлайман, ўз касбу корим, хунарим билан юрт қорига ярайман деганларнинг хизмати ҳеч қачон ерда қолмайди. Шукрки, бундай инсонлар юртимизда истаганча топилади. Президентимизнинг эътибори, эъзози эса ана шундай фидойилар сафини янада кенгайтишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бунга шубҳа йўқ.

Икром БАҲРОМОВ,
Ўзбекистон халқ рассоми.

Учқўрғоннинг шифобахш суви

Наманган вилоятида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган яна бир корхона — "Учқўрғон кристалл" масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлади.

Интилиш

Бу ерда экологик жиҳатдан тоза, шифобахш ичимлик суви қадокланмоқда. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун корхонага 1,2 миллиард сўмлик инвестиция киритилди. Хусусий тадбиркор Аҳмадали Аҳмаджонов томонидан ҳаётга татбиқ этилган ушбу лойиҳа туфайли бир ярим минг метр чуқурликдан олинаётган сув бежирим идишларда истеъмолчиларга етказилмоқда. Кувватлар тўлиқ ўзлаштирилиши билан корхонада бир кеча-кундузда тайёрланадиган маҳсулот миқдори 20 минг литрга етади.

Айтиш жоизки, вилоятда 2009 — 2012 йилларда саноатни ривожлантириш, техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш дастури ижроси доирасида кейинги уч ярим йил давомида 146 та лойиҳа амалга оширилиб, 8734 та иш ўрни яратилди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Реклама ва эълонлар

Барча лойиҳа институтлари раҳбарлари диққатига!

«БУХОРО ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ» очик акциядорлик жамияти

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 июндаги 150-сонли қарори, «Ўзбекэнерго» ДАКнинг 2012 йил 30 мартдаги 119-сонли буйруғи талабларини бажариш мақсадида Бухоро вилоятидаги 68 та нимстанциянинг электр қурилмалари АСКУЭ тизимига мос равишда ишлаши бўйича лойиҳани ишлаб чиқиш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловда қатнашиш учун ўз таклиф ва хулосаларингизни «Бухоро ҲЭТК» ОАЖнинг Бухоро шаҳри, Саноатчилар кўчаси, 1/1-уйда жойлашган АСКУЭ бўлимига 2012 йил 20 августгача тақдим этишингиз сўралади.

Танлов 2012 йил 5 сентябрь куни «Бухоро ҲЭТК»нинг маъмурий биносида бўлиб ўтади. Барча қизиқтирган саволлар бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин:

(8-365) 225-39-37, 225-23-98.

Маъмурият.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Наманган тумани СИБ томонидан, ФИБ Наманган туманлараро судининг 2012 йил 26 январдаги 1-529-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Заркент Текстиль» х/фга тегишли, Наманган тумани, «Ирвадон ҚФЙ», «Шишаки» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 899,71 кв.м., фойдали майдони 1489,92 кв.м. бўлган маъмурий ва бошқа бино-иншоотлар такоран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 330 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 27 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган вилояти филиалида қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2012 йил 24 август куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Наманган бўлимидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй. Телефонлар: (8-369) 226-27-01, 226-54-47. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Фарғона вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Фарғона шаҳар СИБ томонидан, ФИБ Фарғона туманлараро судининг 2012 йил 9 апрелдаги 1-969-сонли ва бошқа ижро ҳужжатларига асосан, Фарғона шаҳри, Аҳмад Ясавий кўчаси, 12-уйда жойлашган, «Умид» ишлаб чиқариш корхонаси бино-иншоотлари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 173 818 103 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 12 сентябрь куни соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдога қўйилган мулклар билан туман (шаҳар) суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2012 йил 10 сентябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг Давлат-тижорат Халқ банки Фарғона вилоят филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609011, МФО: 00497, СТИР: 207122519.

Манзил: Фарғона ш., Бурхониддин Марғиноний к., 35-уй. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

ПУЛЛАТ КУВУРЛАР

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ КУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ КУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПУЛЛАТ КУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПУЛЛАТ КУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

КАРБИД Козогистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўм.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

SONATA

NEW THINKING. NEW POSSIBILITIES.

DONGNAM UZ MOTORS

Тел.: (+99871) 250-11-11. Факс: (+99871) 250-55-99. www.hyundai.com.uz e-mail: hyundai-motors@mail.ru

Сертификатланган

SUVMASH ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ISO 9001:2008 Certified Management System

НАСОСЛАР тайёрлайди ва таъмирлайди

“Д” РУСУМЛИ ҚУДУҚҚА МЎЛЖАЛЛАНГАН
“Д” РУСУМЛИ ЁТИҚ
“К” РУСУМЛИ ТАГЛИККА ЎРНАТИЛГАН
“НК” НЕФТЬ НАСОСЛАРИ
НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ
шунингдек, уларнинг эҳтиёт қисмлари.

“ЭЦВ”
“К”
“СНЭ”

Ўзбекистон Республикаси, 100182, Тошкент ш., Хусайн Бойқоро кўчаси, 13.
Тел.: (+99871) 295-13-00, 295-06-35, 295-06-37, 295-19-08. Факс: (+99871) 295-51-08.
E-mail: office@suv mash.uz; suvmash@mail.ru sales@suv mash.uz www.suv mash.uz

ЗАВОД ТТЕМЗ ИЗГОТАВЛИВАЕТ И РЕАЛИЗУЕТ:

АВТОКРАНЫ

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗа
■ максимальная грузоподъемность — 14 т
■ максимальная высота подъема — 14,5 м

КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗа
■ максимальная грузоподъемность — 16 т
■ максимальная высота подъема — 25 м (с гуськом)

КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗа
■ максимальная грузоподъемность — 25 т
■ максимальная высота подъема — 30 м (с гуськом)

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

■ максимальная грузоподъемность — 8 т
■ максимальная длина стрелы — 30 м (с кареткой)
■ максимальная высота подъема горизонтально — 41,5 м, наклонно — 57,5 м

Товар сертифицирован

КРАНОМАНИПУЛЯТОРЫ И АВТОВЫШКИ

на шасси: ISUZU, КАМАЗа, МАЗа и др.

МОДЕЛЬ	ВЫСОТА ПОДЪЕМА ЛЮЛКИ	ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬ
KRANTAS - 335	15 м	3,2 т
KRANTAS - 736	21,5 м	6 т

АВТОЦИСТЕРНЫ И АВТОТОПЛИВО-ЗАПРАВЩИКИ

Объемом 8м³ и 12м³ на шасси МАН, КАМАЗа, МАЗа.

Под заказ

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05. Факс: 262-23-61, 269-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

